

## 2-Мавзу. Туризмнинг моҳияти ва ривожланиш тарихи

Режа

1. Туроператорлар тушунчаси ва уларнинг фаолият турлари

2. Туроператорлар ва турагентлар ўртасидаги асосий фарқлар

3. Туроператорларнинг вазифалари

4. Турагентларнинг вазифалари.

# 1. Туроператорлар тушунчаси ва уларнинг фаолият турлари

Туроператор – туристик хизматлар таъминотчилари билан шартнома асосида ҳамда туристлар талаб, эҳтиёжларига қараб турларни ишлаб чиқувчи туристик фирма (ташкилот)дир. Туроператор туристик пакет тайёрлайди. У туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва турларни бирлаштириш, уларнинг амалга ошишини таъминлаш, реклама фаолияти билан шугулланади, маршрутлар бўйича турлар нархини ҳисоблайди, ва нихоят турларни туристларга ёки туристик агентликларга сотади..

Туроператор туристларга туристик хизматларни танлаш имкониятини беради ва саёхатни ташкил этиш билан боғлиқ барча харажатлари (ташкилий харажатлар) ўз бўйнига олади. Туроператорлар туристик индустрияда ўзига хос вазифани бажаради. Улар фойда олиш мақсадида туристик маҳсулотлар (авиачипталар, меҳмонхона ўринлари)ни сотиб олади, туристик хизматлар пакетини ташкил этади ва уни истеъмолчига бевосита ёки билвосита сотади. Туроператор туристик хизматларни алоҳида ҳам сотиши мумкин. Бу фойда олиш учун ёки эҳтиёжга кўра қилинади.

## 2. Туроператорлар ва турагентлар ўртасидаги асосий фарқлар

Туроператор ва туристик агентлик ўртасидаги фарқларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:



А.

### А. Даромадлар тизими буйича:

Туроператор маълум туристик маҳсулотни сотиб олади. Унинг фойдаси сотиб олиш нархи ва сотиш нархи ўртасидаги фарқка асосланади. Купинча туроператор алоҳида хизматларни сотиб олади ва улардан комплекс туристик маҳсулотни шакллантириб, уз нархини белгилайди.

Туристик агентлик эса чакана сотувчи булиб, унинг фойдаси бошқа фирманинг туристик маҳсулотини сотиш орқали тушадиган комиссиян тушумларга асосланади. Туристик агентлик туристик маҳсулот (авиачипта, меҳмонхона урни)ни туроператор ёки хизмат курсатувчи ташкилотларнинг сотиш нархига кура сотади.





## **Б. Туристтик махсулотнинг тегишлилиги кура:**

Туроператор доим сотиш учун туристик махсулот захирасига эга, туристик агентлик эса маълум хизматни фақат миждоз томонидан кизикиш билдирилгандагина талаб килади.



Аммо кундалик тажрибада туроператор ва туристик агентлик уртасида аниқ фаркларни ажратиш кийин булади, чунки улар купинча ухшаш вазифаларни бажаради. Туристтик ташкилот бир вақтда ҳам туроператор, ҳам туристик агентлик булиши мумкин. Масалан, маълум фирма туроператор сифатида маршрутлар ишлаб чиқади ва уни туристлар ёки туристик агентликларга сотади. Айни вақтда мазкур туристик корхона туристик агентлик сифатида бошқа фирмалардан турлар сотиб олиши ва туристларга сотиши мумкин.

### 3. Туроператорларнинг вазифалари

Туроператор-туристик маҳсулотни ишлаб чиқувчи ва туристик маҳсулотни тайёрловчи



Туроператор- ўз ишлаб чиққан турмаҳсулотини бевосита харидорга ҳамда билвосита туристик агентликлар оркали сотади.



Туроператор-туристик маҳсулотни тайёрлашда хаво, денгиз, темир йул, автомобиль транспорти, меҳмонхоналар ва бошқа ётоқ воситалари, музей-экскурсия хизмати, оммавий дам олиш муассасалари, спорт ва курорт ташкилотлари билан шартномалар тузади.

## 4. Турагентларнинг вазифалари

Турагентлар-туроператорлик фирмалари билан шартномалар тузади.

Турагентлар- туроператорлар ишлаб чиққан туристик маҳсулотни сотиш билан шуғулланади.

Турагентлар- бевосита туристлар талабига кўра кўшимча хизматларни таклиф қилиш ва саёҳат давомида уни амалга оширади.